

**ҚҰШМАЧИЛИК ҚИЛИШ ВА ФОХИШАХОНА САҚЛАШ  
ЖИНОЯТИНИ ЖИНОЙ ҲУҚУҚИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Аббосов Жавдад Шұхрат ўғли  
Ширин шаҳар ИИБ ҳузуридаги  
Тергов гурұхы катта терговчиси*

*Рахимжонов Абдусамат Собиржонович  
Ширин шаҳар ИИБ ҳузуридаги  
Тергов гурұхы терговчиси*

*Абдуназаров Севдиёр Дилишод ўғли  
ИИБ Академияси З-босқыч 320-гурұх курсанты*

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола орқали муаллифлар қўшмачилик қилиш ва фохишахона сақлаш жиноятининг жиной ҳуқуқий, криминалистик тавсифи, ушбу жиноят юзасидан аниқланиши лозим бўлган холатлар мөхиятини очиб берган, шунингдек терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят ишини қўзгатиш, дастлабки терговни олиб боришда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф қилиш бўйича ўзларнинг талиф ва тавсиялари билан ўртоқлашган.

**Калит сўзлар:** Қўшмачилик, фохишахона сақлаш, ташкил этиш, рағбатлантириб туриш, мажбурлаш, фохишахона, жиноят қуроли.

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье авторы раскрыли уголовно-правовую и криминологическую характеристику преступления сговора и содержания притона, сущность обстоятельств, которые подлежат установлению в связи с данным преступлением, а также проблемы, возникающие при расследовании, возбуждении уголовного дела, уголовного дела, предварительного следствия и свои рекомендации по их устраниению и поделились своими рекомендациями.

**Ключевые слова:** Заговор, проституция, организация, продвижение, принуждение, публичный дом, орудие преступления.

**ANNOTATION**

In this article, the authors revealed the criminal legal and criminological description of the crime of conspiracy and keeping a brothel, the essence of the circumstances that should be determined in connection with this crime, as well as the problems that arise during the investigation before the investigation, the initiation of a criminal case, and the preliminary investigation and their elimination. shared their suggestions and recommendations.

**Key words:** Conspiracy, Keeping a brothel, organization, encouragement, coercion, brothel, weapon of crime

## КИРИШ

Ўзбекистонда жадал суръатлар билан демократик ҳуқуқий давлатни қуриш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, жамиятимиз аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини кучайтириш устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Халқимиз асрлар давомида қонунни хурмат қилиш, уларга итоаткорлик ва риоя этилишининг шартлиги борасидаги ришталарни шакллантириб, одиллик ва инсонпарварлик принципларининг уйғунлигини таъминлаб келган.

Инсонни улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимоясини таъминлаш асосий қадриятга айланган ушбу даврда қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашга қарши кураш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақла жинояти ахлоқий қадриятлар тизимиға салбий таъсир кўрсатади ҳамда унинг негизларини йўқ қиласди.

## МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш учун жиной жавобгарликка доир қонунчиликка киритилган сўнги ўзгаришларнинг мавжуд ва ушбу ўзгаришлар бўйича тушинтиришлар олиб бориш зарур. Ривожланган демократик мамлакатлар амалиётини ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлашга қарши курашиш борасидаги жуда муҳим ва самарали воситалардан бири — ушбу қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштиришdir.

“Агар мендан сизни нима қийнайди?” деб сўрасангиз, фарзандларимизнинг таълим ва тарбияси деб жавоб бераман” дея таъкидлаган эди президентимиз Ш.Мирзиёев, бу фикрлардан сўнг кўриниб турибдики ёшларни тарбияси масалалари долзарблиги давлат раҳбарини ўйлантирадиган даражага етган. Қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш еса шундай иллатки, у миллий қадриятларимиз одоб аҳлоқ қоидаларимиз ва ёш ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳулк атворига уларни онгига зиддий салбий кўрсатади.

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш билан боғлиқ жиноятларнинг жамиятимизга олиб келиши мумкин бўлган салбий оқибатларини чуқур англаган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикамида бундай жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Аввало

бу даврда қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятларига барҳам беришнинг норматив-хуқукий базаси яратилди. Хусусан, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида мазкур қилмишга қарши курашиш мақсадида бундай ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Ушбу кодекснинг 131-моддаси «Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш» деб номланиб, у бевосита оила, ёшлар ва ахлоқни, соғлиқни ҳимоялаш ва қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятларининг олдини олишга қаратилган эди.

Фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш ижтимоий ахлоқ нормаларига тажовуз қиласи. Ижтимоий ахлоқ деганда яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, бурч, шан ва қадр-қиммат, ҳамда бошқа шу кабилар ҳақидажамиятда умумъетироф этилган қарашлар, анъаналар, ғоялар ҳамда хулқатвор қоидалари тизими тушунилади. Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш ижтимоий ахлоқга тажовуз қилиши билан бирга, фоҳишаликнинг ривожланишига, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, одам савдоси, гиёҳдандлик ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш ва бошқа жиноятларнинг содир этилишига ҳам шароит яратади.

Фоҳишахона деганда, унда фоҳишабозлик билан мунтазам шуғулланиш учун мўлжалланган бино ёки бошқа мослашган, фоҳишабозлик билан шуғулланишни истовчи шахсларга ёки пуллик шаҳвоний хизматларга эга бўлишни истовчи кишиларга мўлжалланган жой тушунилади<sup>1</sup>

Н. В. Уханова эса «фоҳишахона» атамаси ўрнига замонавийрок бўлган «фоҳишабозлик билан шуғулланиш учун муассаса» иборасини қўллашни таклиф этган<sup>2</sup>

**Фоҳишахона (притон)** — жиноят конунчилиги бўйича ғайриқонуний ҳаракатлар килиш мақсадида ташкил этиладиган жой. Бунда бу каби жойлар маълум бир мақсад учун мослашганлиги билан ажралиб туради. Масалан, гиёҳванд моддаларни тановул килиш, ичкилик ичиш, фоҳишабозлик ва қўшмачилик қилиш кабилар. ЎзР ЖКнинг 131-моддасида айнан шу фоҳишахоналарни очиш ёки сақлаш, шунингдек, ғаразли ёки бошқа тубан ниятларда қўшмачилик қилишга нисбатан тегишли жиноий жавобгарлик белгиланган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Герасимов Н. В. Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Самара, 2011. - 18 с.

<sup>2</sup> Уханова Н.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений способствующих проституции: Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - М., 2002. - 24 с.

<sup>3</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. — Б - 302

## ХУЛОСА

### *Мазкур масалани кўриб чиқиб уни жиноий ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиб қуидаги муммоловар мавжуд деб ҳисоблаймиз:*

➤ ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан жиноий ишлар асосан бундай шахсларнинг фаолиятидан хабардор шахслар яни, қўшилар ва маҳалладошлар аризаси асосида қўзгатилади. Айнан улар энг биринчи бўлиб бу каби холлардан хабардор бўлсаларда, ўзаро муносабатларнинг ёмонлашишидан ёки маҳалланинг номи чиқишидан қочиб бу хақда хабар бермайдилар ёки кеч хабар берадилар

➤ охирги пайтларда қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятчилигининг ривожланишида сезиларли даражада ўсганлигини кўрсатувчи кўрсаткичлар, яни мазкур жиноятни содир этган шахсларнинг бошқа шу каби ижтимоий хавфли жиноятлар содир этишига шароит туғдириши

➤ Мазкур фаолият билан муттасил шуғулланувчи шахсларга тегишли бўлган тураг жой бинолар жиноят содир этиш қуроли деб баҳоланмаслиги ва мусодара қилинмаслиги

➤ Мазкур жиноятни аниқлашда фоҳишахона сақлаганлик фактини аниқлаш учун уни муттасил мазкур билан шуғулланишини тасдиқловчи далиллар мажмуининг дастлабки тергов ҳужжатларида ўз аксини топмаганлиги;

➤ Мазкур жиноятни аниқалаш ва уни фош этишда ЖПК нинг 88-моддасида кўрсатилган Ислот қилишда тақиқланадиган ҳолатлар жумласига кирувчи “шахсни ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш” нормасини мазмуни ҳар хил талқин қилинаётганлиги;л

### *Мазкур муммоларнинг ечими ўлароқ қуидаги таклифларни берамиз:*

✓ Кўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш жиноятини кўпчилик ҳолларда айнан моддий жиҳатдан оғир аҳволдаги, қийин яшаш шароитидаги шахслар ва ёлғиз кексалар содир этишини инобатга уларга даромаднинг бошқа қонуний манбаларини яратиш ёки ижтимоий химояни кучайтириш;

✓ Осон пул топишга ўрганиб қолган шахслар, масалан собиқ фоҳиshalарни доимий назорат қилиш, уларнинг айни вазиятдаги машғулотини аниқлаш ва профилактика инспектори томонидан профилактик сұхбатлар ўтказиб туриш.

✓ Асрлар давомида шаклланган маҳалла инстити имкониятларидан самарали фойдаланиш яни, маҳалла аъзолари иштирокида шундай ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларга нисбатан “уют ўлимдан қаттиқ” тамоили асосида жамоатчилик тасирини ўтказиш ва маҳаллада яшовчи фуқароларга

мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфини янада аниқроқ тушунтириш ҳамда ўзаро муносабатларнинг ёмонлашиши ёки маҳалланинг номи чиқишидан чўчиб бу хақда хабар бермаслик маҳалладагилар, айниқса ёш авлод учун бир қанча салбий оқибатлар келтириб чиқаришини етказиш.

✓ Жиноят кодекси 5-бобда келтирилган Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар бўйича муаммоли масалалар талайгинани ташкил этганлиги муносабати билан мазкур бобдаги ҳудди шундай Қўшмачилик қилиш ёки фохишахона сақлаш жиноятини муаммоли масалалрини тартибга солиш учун барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаларидан мазкур моддаларни тергов қилишда учраётган муаммоларни ва уларни таклифларини умумлаштириб, ягона тергов ва суд амалиётини ҳосил қилиш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек мазкур тоифадаги ишлар бўйича қонунни тўғри ва аниқ қўлланилишини таъминлаш мақсадида “Оиласга, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида “Олий суд пленумининг қарорини ишлаб чиқиши.

#### **Фодаланилган адабиётлар:**

1. Герасимов Н. В. Уголовно-правовой анализ организации занятия проституцией: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук.- Самара, 2011 -18 с
2. Уханова Н.В. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика преступлений способствующих проституции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2002. - 24 с.
3. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. — Б - 302